Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

# ҚИШЛОҚ ҲАЁТИ

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

1999 йил 12 ОКТЯБРЬ. сешанба, № 76 (6.032). Сотувда эркин нархда

**2000 йил 9 январь — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни**

***

**1999 йил 5 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар куни**

Жумадан сешанбагача

## КУННИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Украинага қилган ташрифи ниҳоясига етди. Ташриф давомида икки давлат ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

● Миср Араб Республикасида «Ўзбекистон: давлат ва йўлбошчи» китоби араб тилида нашр этилди. Мисрлик ҳамда ўзбекистонлик олимлар ҳамкорликда ёзган бу китоб ўзбеклар юрти ва унинг раҳбари Ислом Каримов фаолияти ҳақида бой маълумотлар беради.

● Адолат» социал-демократик партияси қурултойи бўлди. Қурултойда ушбу партия томонидан Ўзбекистон Президентлигига Ислом Каримов номзодини кўрсатишга қарор қилинди. Шунингдек, съездда партия томонидан Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

● Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг қурултойида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ҳамда Олий Мажлис депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳақидаги масала муҳокама этилди. Республика Президентлигига ушбу партия Марказий Комитети биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов номзоди кўрсатилди. Шунингдек, Олий Мажлис депутатлигига номзодлар рўйхати тасдиқланди.

● Минтақавий масалалар бўйича АҚШнинг етакчи тадқиқот марказларидан бири Жон Хопкинс номли университетда Ўзбекистон телевидениесининг «Февраль воқеалари» видеофильми намойиш этилди ва муҳокама қилинди. Муҳокама иштирокчилари терроризмни кескин қораладилар.

● Тошкентдаги «Интерконтиненталь» меҳмонхонасида республикамизнинг тўртта минтақасида телекоммуникация тармоқларини модернизациялашга ва ривожлантиришга қаратилган лойиҳа ниҳоясига бағишланган тақдимот маросими бўлди.

● Хоразм вилояти пахтакорлари уруғлик пахта тайёрлаш шартнома-режасини бажардилар. Қайта ишлаш корхоналарига 27 минг 600 тонна хомашё жўнатилди.

# ДАЛАЛАРДА САФАРБАР БИР ҲОЛ...



А. МАЛЬЦЕВ олган сурат.

## УЧ ТУМАН ҒАЛАБАСИ

Самарқанд вилояти Нарпай тумани пахта тайёрлаш режасини бажарди. Қабул пунктларига 31 минг тонна сифатли саноат хомашёси етказиб берилди. Ҳосилнинг 85 фоизи юқори навларга топширилди. Бу ғалабага «Бўстон», «Туркистон», Алишер Навоий номли, «Ғалаба», «Иттифоқ», «Самарқанд», Ислом шоир номли хўжаликлар пахтакорлари муносиб ҳисса қўшдилар.

* * *

Андижон вилояти Марҳамат тумани пахтакорлари 20,5 минг тонналик «оқ олтин» хирмони уйиб, режани муваффақиятли бажардилар. Эришилган зафарда Мирзаев номли, Пахтакор, Машъал Тожибоев номли хўжаликлар пахтакорларининг улуши катта бўлди. Марҳаматликлар режага қўшимча яна 4 минг 100 тонна пахта топширишга қарор қилдилар.

* * *

Самарқанд вилоятининг чорвачиликка ихтисослашган Нуробод тумани деҳқонлари пахтачиликда ҳам ўз маҳоратларини намойиш этмоқда. Улар кейинги уч йил давомида чўл шароитида пахта етиштириш самарали эканлигини исботладилар. Чўлқуварлар бу йил ҳам вилоятда биринчилар қаторида ғалабага эришиб, 1 минг 50 тонналик хирмон уйишга муваффақ бўлдилар.

(ЎзА).

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси Нажмиддин Комилов бошқарди. Мажлис кун тартибига киритилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга, ҳокимият вакиллик органларига, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларига оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишларида тенг шароитларни таъминлаш, сайловлар даврида хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардан кузатувчиларнинг низоми, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига ўтказиладиган сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича участка сайлов комиссиялари ишининг айрим масалалари тўғрисидаги йўриқнома, Марказий сайлов комиссиясига келаётган таклиф, мурожаат ва аризалар тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди. Ушбу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сайловлар жараёнини Ўзбекистон телевидениеси ва радиосида кенг ёритиш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида Ўзбекистон Телерадиокомпанияси раиси А. Кўчимовнинг ахбороти тингланди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловларини Телерадиокомпания тизимидаги барча телевидение ва радио дастурларида қонунда белгиланган тартибда кенг ва ошкора ёритиш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Йиғилишда Марказий сайлов комиссияси ваколатларига кирувчи бошқа муҳим масалалар ҳам кўриб чиқилди.

(ЎзА).

## ҚИРҒИЗИСТОН ЖАНУБИДАГИ ВАЗИЯТ ҲАҚИДА

Ўтган кеча-кундузда Ўш вилояти жанубидаги вазият деярли ўзгармади. Қирғизистон Республикаси жангчилари террорчилар жойлашиши мумкин бўлган ерларга қарата ўт очмоқда. Алоҳида қуролли кучлар бўлинмалари жангарилардан озод қилинган жойларни тозаламоқда, кейин ўзлари жойлашган ерларга қайтиб келмоқда. Қуршовда қолган жангариларнинг ёриб чиқишига йўл қўймаслик учун тезкор ҳаракат гуруҳлари жалб этилган, Хўжа Очкан қишлоғи чегараларидаги ғорларда мавжуд вазият ҳар куни ўрганилмоқда. Жанговар отрядлар етарли даражада ўқдори ҳамда ҳужумни бошқариш учун лозим бўлган алоқа воситалари билан етарли даражада таъминланган. Вертолётчилар ҳар куни беш-олти марта жанговар сафарга учиб, ўз вазифаларини бажармоқда: махсус группаларни керакли жойларга қўндириб, Хўжа Очкан қишлоғи ҳудудига ҳаводан ракета зарбаларини бермоқда.

Террорчилар музокараларни чўзиш баҳонасида ўз истеҳкомларини мустаҳкамлаш учун вақтни ютиш пайида. Улар жазо кўрсатиш билан қўрқитган ҳолда маҳаллий аҳолини қуролли ҳужумлардан анча вақтгача сақлайдиган истеҳкомлар қуришга мажбур қилмоқда. Айрим маълумотларга қараганда, бугунги кунда Хўжа Очкан атрофида бир неча юз жангари тўпланган. Душанба куни Бишкекда ўтказилган брифингда эса, Қирғизистон Президентининг матбуот котиби Канибек Иманалиев ҳозир у ердаги жангарилар сони юзга етмаслиги, қолганлари майда-чуйда гуруҳларга бўлиниб, қўшни Тожикистон ҳудудига ўтиб кетгани ҳақида баёнот берди.

Шунга қарамасдан, Қирғизистон ҳукуматининг қўшинлари ҳал қилувчи жангга тайёрланмоқда. Чунки террорчилар ҳалиҳануз Боткенда ўрнашиб қолиш фикридан воз кечгани йўқ. Буни Зардоли қишлоғи озод қилинганидан сўнг, у ердан жангарилар қишки мавсум учун тайёрлаб қўйган 1,5 тонна ўсимлик ёғи, 30 тонна ғалла, шунингдек кўп миқдордаги гўшт маҳсулотлари топилгани ҳам тасдиқлайди.

Яқинда Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев бир ярим ой мобайнида жанговар ҳаракатлар давом этаётган жойлардаги вазият билан танишиш учун мамлакат жанубига келди. У Қирғизистон газеталари мухбирлари билан суҳбатда давлат ҳудуди яқин кунларда босқинчилардан озод қилинишини айтди.

Н. МУҲАММАДИЕВ,
ЎзА мухбири.

## «ЎҒЛИМНИ ОҚ ҚИЛДИМ...»

Хорижда яшириниб юрган жангарилар бошлиқларидан бири Тоҳир Йўлдошевнинг онаси билан учрашишдан асосий мақсад унинг ўз фарзанди жиноий фаолиятига муносабати қандайлигини билиш эди. Суҳбатимиз узоқ давом этган бўлса ҳам, кекса аёлнинг кўз ёшлари тинмади, менинг бошимга тушган кулфат ҳеч кимнинг бошига тушмасин, деб такрорларди.

— Рост гап, ўғлимнинг шундай бўлишини билганимда, болалигидаёқ ўз қўлларим билан ўлдирган бўлар эдим, — дейди Каромат Асқарова. — Ҳозир ҳам ўлдиришга тайёрман: унинг қилмишларини кечириб бўлмайди. Бундай жиноятларни она қалби ҳам кечирмайди.

Дунёда бирорта она ўз фарзандини менинг ўғлим каби бўлишини истамайди. Мен ўғлим нега шу йўлга кирди деб кўп ўйлайман. Оиламиз серфарзанд, тўққизта болам бор, шулардан еттитаси ўғил, эрим 15 йил олдин дунёдан кўз юмган. Болаларимни оёққа турғазиш осон бўлмади. Тоҳир уйланганда, ўзи мустақил яшасин, ўз хўжалигини ўзи тебратсин деб, унинг рўзғорини алоҳида қилиб қўйдим. Чоғимда, ўшанда хато қилганга ўхшайман.

Оиламиз ҳеч қачон мутаассиб бўлмаган, унда бундай иллат қаердан пайдо бўлганини ўзим ҳам тушунмайман. Фақат бир нарсани биламан: Тоҳир менга ҳам, ака-укалари ва опа-сингилларига ҳам ғам-ғусса ва кўз ёшдан бошқа нарса келтирмади. Шу даражага етдики, бошқа ўғилларим акаси доғ туширган фамилияда бўлишни ҳам хоҳлашмаяпти. Кенжа ўғлим ҳатто отасининг исмини фамилия қилиб олди. Фамилиям ҳам Тоҳирникига ўхшамасин, дейди.

— Лаънати Тоҳир туфайли шунча азоб чекяпман, қариганимда тинчлигим бузилди, — деб давом этади К. Асқарова. — Мен ҳам бошқалар қатори осойишта яшашни, невараларимни ўстиришни, ҳаёт қувончларини кўришни истайман. У уйдан қочиб кетганидан буён тўққиз йилдан бери ҳар куни кўзимда ёш. Она рози — худо рози дейдилар, мен ундан рози эмасман, уни оқ қилдим. Менга бундай ўғил керак эмас. Ундан ҳеч қандай яхшилик кўрмадим. Бир ўзим дардини тортганимда майли эди-я, у қанчадан-қанча одамларни бебахт қилди, бошига кулфат солди. Ҳозир ҳам қанчадан-қанча одамларнинг тинчлигини бузмоқда! Барибир жазосини олади. Яна айтаман: ҳозир қаердалигини билсам, ўз қўлим билан ўлдирган бўлардим.

Дарвоқе, Тоҳир Йўлдошевнинг онаси бу гапларни яқинда ўзи яшайдиган «Авлиё домла» маҳалласида бўлиб ўтган йиғилишда айтди. Суҳбатимиз охирида К. Асқарова, мен ҳақимда албатта, ёзинг, деб илтимос қилди. Тинчлик нималигини билмаётган, ўз туққан фарзандининг айби билан юраги қонга тўлган она ҳақида ёзинг, деди.

Дунёда онага ўзи ҳаёт бағишлаган фарзанди келтирган ғам-ғуссадан даҳшатлироқ, оғирроқ кулфат бўлмаса керак. Лекин онанинг ўз жигарпорасини лаънатлаши, оқ қилиши ундан ҳам даҳшатли. Ҳатто онаси юз ўгирган кишини инсон деб ҳисоблаш мумкинми?

Н. ХЎЖАЕВА,
ЎзА мухбири.

## «БИЗЛАР ИШЛАЯПМИЗ. БУ – МЕҲНАТ ХОЛОС»...

Ибрат

Фақат Уйчи туманидагина эмас, балки вилоятда ҳам барча соҳаларда карвонбоши, хусусан пахтачиликда азалдан тажриба манбаи бўлган Абдували Мўминов номли ширкат хўжалигида бўлган ҳар қандай кишининг баҳри-дили очилади, кўнгли яйрайди, таъби равшан тортади. Хўжалик далаларида бўлган одам бу ерда кишини чарчатувчи ўринсиз даҳмазалар — ким қанча терди? Графикни ким бажармади? Нега суръат паст? сингари яроқсиз сиёсат эмас, балки меҳнат аҳлини руҳлантирувчи омиллар — рағбатлантириш, ўз вақтида терим ҳақини тўлаш, қулай шароит сингари ижобий ҳолатлар ютуқларга омил, карвонбошиликка асос бўлаётганидан қувонади.

— Улоқчи отга қамчин не даркор, деган гап бор, — дейди жамоа бошқаруви раиси Тоҳиржон Исматуллаев, — жамоамиздаги ҳар битта бригада етакчисини ана шунга қиёслайман. Улоқчи отнинг фикри-ёди улоқда бўлганидек, бригадирларимизнинг дарди-ҳаёли соврин олишда. Ҳозирга қадар Аъзамжон Маллабоев, Жалолиддин Ғаффоров, Абдулла Муродов сингари улоқчиларимиз улоқни дангал ўнгариб, катта-катта совринларни олиш билан бирга ғолиблик шоҳсупасидан ҳам ўрин эгаллашди. Қолган бригадаларда ҳам режа уддаланди. Хўп пул ишлаб оладиган паллалар бўлди-да, — давом этади раис, — Иброҳимова Роҳатхон деган пудратчимиз ўз оиласи билан беш кунда 78 минг сўм пул ишлабди. Фотима Сайдуллаева, Феруза Латифбоева, Рокия Ғаппороваларни қаранг, уларнинг ҳар бири 30-35 минг сўмдан пул олишди. Ҳар беш кунда ҳар бир оилага шунчадан пул кираверсин-чи!

Ҳа, раиснинг завқида жон бор. Далаларда очилиб-сочилиб ётган момиқлар оддий пахта эмас, ризқу-насиба, пул. Баракасини берсин!

### ШИЙПОНДА ҲАЁТ ҚАЙНАЙДИ

Шароит соз бўлса, машаққат оз бўлади. Бир замонлар дала шийпони — деҳқоннинг иккинчи уйи, деган гап бор эди.

(Давоми 3-бетда)

## ДЕПУТАТ БЎЛИШ ОСОН ЭМАС

Масъулият

Шўро замонидаги сайловлар эсингиздами? Кулгингиз келади, а? Номзодлар рўйхати тепадан тушар, барча номзод 99,99 фоиз овоз билан сайланар эди. Энг кулгилиси — кўпинча икки кишининг номзоди кўрсатиларди (мутлақо мантиққа зид). Бир номзод ҳақиқатан ҳам сайланадиган номзод, иккинчиси Сиёсий бюронинг бирон-бир аъзоси бўларди. Сайлов яқинлашгач, Сиёсий бюро аъзоларининг сайловчиларга мурожаати эълон қилинарди. Ҳурмат-эътиборингиз учун раҳмат, лекин ҳар қайсимиз битта сайлов округидан сайланиш ҳуқуқига эга бўлганимиз учун, сизларнинг округдан сайланолмаймиз, қабилида. Биз шуни билганимиз учун ҳам ўзимизнинг заҳира номзодимизни (гарчи, айтганимдек, у ҳам рўйхат бўйича бўлса-да) тайёрлаб қўярдик-да... Ҳамма бормаса ҳам, бир киши бутун бир қишлоқ ёки маҳалла номидан «овоз» берса ҳам, сайлов «уюшқоқлик» билан ўтар эди...

Худога шукр, замон ўзгарди. Замон билан сайловларнинг моҳияти ҳам ўзгарди. Илгари Шўроларнинг барча иши хўжакўрсинга қилинаётганини, бизнинг хоҳиш-иродамиз билан ҳеч кимнинг иши йўқ эканини билганимиз учун бефарқ эдик. Энди...

Энди бефарқ бўлолмаймиз. Чунки мустақил юртимизнинг олий органини сайлаймиз. У бизнинг хоҳиш-иродамизга қараб иш тутади, ниятларимизни рўёбга чиқаради. У ерга кимни сайлаш зиммамизга улкан масъулият юклайди.

Тўғрисини айтсам, менинг ҳам депутат бўлгим келади. Ҳар ҳолда ёмон эмас-да... Ҳозир бирон-бир округдан номзодимни қўйиб, «Кўнгил кўчалари»ни ёзганман десам, одамлар овоз беришига ишончим комил. Аммо... Депутатликнинг масъулиятини ўйласам, бу фикрдан дарҳол қайтаман.

Чунки депутатлик Олий Мажлиснинг залида ўтириб, мажлис қилиш ёки бирон-бир қонунни ишлаб чиқишда иштирок этиш-

(Давоми 2-бетда)

## «МИРИШКОР»ЛИК МИЛЛИОНЕР

### ёки фермер Абдурауф Давронов ҳаётига бир назар

Шундай одамлар бор

Самарқанд туманидаги «Миришкор» фермер хўжалиги раиси Абдурауф ота Давроновнинг бизга ўхшайдиган томони шуки, ҳаммамизга ўхшаб у кишида ҳам икки қўл, икки оёқ, бир жуфт кўз ва яна бир жуфт қулоқ ҳамда бошқаларникидан фарқ қилмайдиган вужуди бор. Бизга ўхшамайдиган томонидан гапирсам эҳтимол, кўпчилик қуруқ ваҳима деб ўйлар. Аслида Абдурауф отанинг бори шу — раисман ёки энг номдор фермерман, ҳисоб рақамимда миллион-миллион пулим бор деб қорин қашлаб, соянинг энг қуюғида ётмайди. Қаҳратоннинг қиличдек кескир аёзидаям, эрта кўкламнинг шовуллама ёмғири-ю саратоннинг еру кўкни тандирдек қизитган чилласида ҳам дала кезади. Кетмон билан ер чопади, тракторга ўтириб шудгорлайди. Куз келиши билан ҳосилнинг баракасидан ёш боладек қувонади.

Айни паллада у кишининг 54 гектар ери бор. Шундан 2 гектари иссиқхона қилинган. Лофию қофи — ҳар йили нақд беш миллиондан ошириб фойда олмаса меҳнат қилдим, пул кўрдим демайди. Ерга экилмаган экиннинг ўзи йўқ ҳисоби. Помидор, картошка, карам, маккажўхори, буғдой, саримсоқ пиёз, беда, турли полиз маҳсулотлари... Қўйингки, одамзодга нима керак бўлса, ҳаммасидан бор. Помидор ҳосилдорлиги 350 центнердан ошди бу йил. Карам ҳосилдорлигини 500 центнердан ошишини кутиб турибди. Дончиликдан сира армони қолмади. Барака дегани шундай бўлдики, марра денгиздан бир томчи бўлиб қолди. Сентябрнинг сўнгги кунларида Абдурауф ота кўксини кўтариб, бундай чамалаб кўрса бу йилги даромаднинг бўй-басти олти, етти миллионни урадиган, иш бундай бўлибди-да...

(Давоми 2-бетда)

ЯНГИ РУКН ТАҚДИМОТИ:

## Кўнгилга сайр

***Бирон марта кўнглингизга қайрилиб қараганмисиз?***

***Бирон марта кўнглингизга яқин келиб, ёнма-ён ўлтирганмисиз?***

***Бирон марта ёлғиз қолиб кўнглингизни тинглаганмисиз?***

***Кўнгилга қайрилиш...***

***Кўнгилга ёнма-ён ўлтириш...***

***Кўнгилни тинглаш...***

***Буларнинг замири ўзингни — англаш, ўзингни сезиш, ўзингни топиш жараёни...***

***Бунинг учун сизга адабиёт дейилмиш ҳикмат ўнг келади.***

***Ушбу битиклар ана шу ҳикматнинг боғида бўй кўрсатаётган чечаклардан бир гулдаста. Уларнинг муаллифлари юртимизнинг турли тасарруфларида яшайди.***

***Ўз тасарруфларининг рангларидан жило олади, кузатувларидан шакл топади.***

***Кўнгилни тўлдиради. Гапни кўнгилдан бошлаган эдик. Бежиз эмас. Битиклар кўнгил томчилари. Ўзи билан ўзи ёлғиз қолишга бардош топа оладиган кўнгил томчилари. Муҳими шундаки, улар сизнингда кўнглингизда ҳислар пайдо қилади, фикрлар уйғотади. Келинг, битиклар сабаб сиз-да кўнглингизга сайр қилинг.***

**Бугундан эътиборан «Қишлоқ ҳаёти»да мамлакатимизнинг турли бурчакларида яшаб ижод этаётган қалам соҳиблари ижоди билан таништириб борамиз.**

Икром ОТАМУРОД.

(Давоми 4-бетда)

КЕЛГУСИ СОНДА:

ТАЖРИБА МОҲИЯТИ

ПАХТА ЎҒРИЛАРИ

ЎТГАН КУНЛАР ҚАЙТМАЙДИ

# «БИЗЛАР ИШЛАЯПМИЗ. БУ – МЕҲНАТ ХОЛОС»...

(Боши 1-бетда)

У замонлар ўтиб кетди. Ҳозир замон ҳам талаб ҳам бошқача. Илгари жамоа бўлиб ҳамманинг қозони битта, мулк умумники, бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун эди. Энди-чи, жамоа ширкатга айланди, ерлар бўлиб берилди, ким қанча яхши ишласа, шунча манфаатдор. Жойларга борсангиз илгари қурилган ҳашаматли шийпонлар ташландиқ ҳолга келган, қаровсиз ҳувиллаб ётибди, айримлари бузиб ташланди ҳам.

Бу ерда эса ҳолат тамом бошқача. Тушлик, дам олиш вақтлари шийпонда ҳаёт қайнайди. Чунки у ерлар ҳақиқий ҳордиқ маскани, ором оғушига айлантирилган. Ажиб ҳафсала билан ишланган ганж-ўймакорлик намуналари, биллур қандиллар, рангли телевизор, видео магнитофон, чўғдай гиламлар, тансиқ таомлар ҳар қандай кишини ўзига ром этади.

Ҳа, бу жойларни деҳқоннинг иккинчи эмас, балки биринчи уйи десак муболаға бўлмайди. У ерлардаги беками-кўст шароит ана шундай фикрга асос бўла олади. Кўнгилларга алладай ором берадиган бу масканлар халқимизнинг азалий қадриятларидан бири бўлган ҳашар йўли билан бунёд этилгандир.

## ЭГАЛИК ТУЙҒУСИ

Наманган шаҳрининг ён биқингинасида жойлашган Машад ва Ўнҳаёт қишлоқларида яшовчи аксарият қавм учун эса энг азиз нарса бу — ризқимиз манбаи Ер. Бу жойларда 2-3 сотихгина томорқасига кўкатлар экиб бадавлат яшаётганлар оз эмас. Ўттиз мингдан зиёд аҳолини минг гектарга етмаган умумий экин ери мавжуд бўлган жамоанинг ўзи билан боқиб бўлмаслиги ҳам ҳар кимни ўз томорқасидан унумли фойдаланишга чорласа керак. Шу боисдан ҳам бу жойларда ернинг қадри баланд, ҳар қаричи ҳисобда. Бир йилда 2-3 марта ҳосил олиш бу ерликларнинг одатий фазилати.

Жамоа ерларида ҳам манзара ўта жиддий. Кўп жойларда хусусий томорқа билан жамоа ерларини фарқлаш қийин эмас, яъни ҳар кимники ўзига, деганларидек одамлар ўз ерига ўзгача меҳр билан, умумжамоа ерига эса ўзибўларчилик қабилида қарайди. Бу қишлоқда эса тамоман бошқача ҳолат, чунки чек системасига ўтилгач ерларнинг хусусийдан фарқи қолмади. Одамларда эгалик туйғуси таркиб топди. Эгаси бор нарса одатда талон-тарож бўлмайди. Ана шу ижобий ҳолатлар оқибат натижада хўжайинлик туйғусини келтириб чиқарди. Бутун муваффақиятлар замирида ана шу туйғу ётса ажабмас.

## АСКИЯ ЯНГРАГАНДА

Яхши ишлаган одам яхши натижага эришади, яхши натижага эришган одамнинг эса қўшиқ-куй эшитгиси келади, қўшиқ-куй билан унумли ҳордиқ чиқарган одам эса меҳнатга янада иштиёқманд бўлади. Ана шу узлуксиз жараён жамоада жуда яхши илдиз отган-шаклланган. Хушовоз хонанда, элимизда ўзига хос қўшиқлари билан танилиб қолган ҳофиз Ҳамиджон Маллабоев ўз қишлоғи аҳлининг беминнат дастёри. Халқимизнинг ардоқли санъаткори, Ўзбекистон халқ артисти, яқинда «Эл-юрт ҳурмати» орденига сазовор бўлган хонанда Камолиддин Раҳимов ҳам тез-тез жамоада бўлиб, дилтортар қўшиқлари билан жамоа аҳлига кўтаринки кайфият бахш этиб туради. Бунинг боиси бор. Бу машҳур хонанда жамоада ўз сулоласи билан обрў қозонган ота-бола, ака-ука Маллабоевларнинг тутинган иниси. Бу сулоланинг кенжаси Аъзамжон ёш бўлишига қарамай карвонбоши бўлганида бу омил ҳам асос бўлган бўлса бордир.

Жамоа фаоллари раис етакчилигида битта аҳил оилага ўхшайди. Уларнинг гап-гаштаклари ҳам хонадонларда эмас, балки дала шийпонларида, жамоа ҳудудидаги «Қудуқ», «Овчибулоқ» номи билан аталувчи оромгоҳларда бўлади. Ўтиришларда четдан бирон одам қўшилса жағи ва ичакларига кўп зўр келади, аскиядан кўп кулган одамнинг жағи толиб, ичаги узилса ажаб эмас.

Туман ҳокими Содиқжон Азимовнинг ҳам бу жамоадан қадами узилмайди. Уларнинг ҳар бири ютуғини қутлаб, муаммоларини ечиб боришдан завқ олади.

Шундай жамоани мақтамай бўладими?! Мана, улар гектаридан 33 центнердан жами 1400 тонна пахта ҳосили кўтариб, куни кеча йиллик режани туманда биринчи бўлиб бажардилар. Офарин-э!

**Зиёвуддин МАНСУРОВ.**

# МАРРАГА ЕТИШДИ, МАНЗИЛ ОЛДИНДА

Арнасой туманидаги Улуғбек номли фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Эрмуҳаммад Ражабовнинг куни кеча туман ҳокими номига ёзган ғалаба муждасида шундай сатрлар бор:

«Мустақил республикамизнинг муборак 8 йиллиги нишонланган йилда 350 гектар майдонда пахта етиштирган уюшмамиз аъзолари белгиланган 766 тонна ўрнига 800 тонна оқ олтин етказиб бердилар. Ана шу ғалаба кунида ҳам ҳали 100 гектар биринчи терим ўтказилмаган пахта майдонимиз бор. Ялпи ҳосилни минг тоннада оширамиз».

Бундай марди майдонларни қутламай бўладими? Айниқса, жамоанинг вилоятда биринчилардан бўлиб довон ошган ва бугунги кунгача ҳар гектар пахтазорларидан режадагига нисбатан 8—10 центнердан ортиқча юқори нав ҳосил йиғиб териб олган Шарофат Тоғаева, Ўғилой Саидқулова, Саида Исроилова, Ашир Сайимов, Ўктам Кенжаев ва Туроб Номозов сингари ишбилармон фермерлар шаънига олқишлар айтиш жоиздир.

Уюшмада йиллик режа 20 иш кунида уддаланди. Йиғим-терим эса ҳали қизғин давом этмоқда. Ҳурихон Иномбоева, Ҳайтгул Маъмурова, Турсуной Саидова, Тамара Милтиқова, Оқилой Қурбонова ва Зулхумор Муҳаммадиева сингари чеварларнинг ҳар бири кунига 120—130 килограммдан ҳосил термоқда. Моҳир дала дарғаси Олимжон Жавқонов ўзи бошқараётган «Кейс» русумли терим машинаси қутисидан 25—30 тонна жавоҳир тўкаяпти. Шу тариқа уюшма бўйича кунлик кўрсаткич беш фоиздан тушмаяпти. Ахир олдинда туман ва вилоят хирмонларин тиклаш вазифаси турибди.

**Келдиёр ЖЎРАҚУЛОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**



**Суратда: уюшма раиси Эрмуҳаммад Ражабов илғор фермер Ашир Сайимов билан далада.**

**Муаллиф олган сурат.**

# ДОН ЭКИЛМОҚДА

Қарши туманидаги Яхши Омонов номли жамоа хўжалигининг деҳқонлари буғдой экишни қизитиб юбордилар. Жорий йилда азаматлар буғдойнинг «Улуғбек-600» навидан 70-80 центнердан ошириб ҳосил кўтаришиб, йиллик шартномавий режаларини биринчилардан бўлиб ўринлатишган эди. Айни кунларда мавжуд 1320 гектар ғалла майдонининг аксарият қисмига буғдойнинг серҳосил ва эртапишар элита навлари экиб бўлинди.

**Худойберди НАЗАРОВ, Қарши тумани.**

# ФАОЛЛАР БИЛАН БАҲАМЖИҲАТ

Сирдарё туманидаги Охунбобоев номли ширкатлар уюшмаси республикамиз қишлоқ хўжалиги тараққиётига муносиб улуш қўшиб келаётган жамоалардан бири ҳисобланади. Уюшма аъзолари бу йилги табиат қийинчиликларига қарамай эл хирмонига 2 тонна пилла, 870 тонна дон топшириб, шартнома мажбуриятини бажаришди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур уюшма ҳудудида жойлашган Чўлтўқай қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Охунбобоев номли, «Ўзбекистон» маҳалларида истиқомат қилувчи 6471 нафар киши ўз хўжалиги, қишлоғи, заминини ардоқловчи фидойилардир.

Ҳозирги кунда фуқаролар йиғини ҳудудида 14 нафар уруш қатнашчиси, 213 нафар ногирон, 27 та кам таъминланган оила, 326 нафар кўп болали она, жами нафақахўрлар сони эса 697 кишини ташкил этади.

**Маҳалла — маънавият бешиги**

Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларнинг турмуш шароитларини яхшилаш борасида ҳам имконият даражасида иш олиб бориляпти. Юртбошимизнинг Фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари ҳар бир маҳалла оқсоқоли, фаоллари учун дастуриламал бўлиб, оилалар фаровонлигини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Қишлоқ фуқаролар йиғини ўрамида учта ўрта мактаб, учта қишлоқ врачлик амбулаторияси, 21 та савдо шохобчаси, тўрттa тегирмон, иккита чойхона, битта мурувват уйи бор. Аёллар йили муносабати билан маҳаллаларда хотин-қизлар фаоллигини ошириш, фарзандларимизни жамиятимиз келажаги учун етук инсонлар қилиб тарбиялаш борасида ҳам ибратли тадбирлар белгиланиб, улар йил давомида босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Шунингдек, қишлоқ фуқаролар йиғини ташаббуси билан маҳаллаларда ўтказилаётган «Энг намунали оила», «Энг ибратли келинчак» кўрик-танлови ҳам ёшлар ўртасида тарбиявий аҳамиятга эга бўлмоқда.

Яқинда ўтказилган «Энг ибратли келинчак» кўрик-танловида «Деҳқонобод» маҳалласида истиқомат қилувчи уй бекаси Майрам Эшмуродова ғолиб чиқиб, туман беллашувига тавсия этилди.

— Оилаларнинг жамиятимиздаги мавқеини, уларнинг нуфузини янада ошириш ҳозирги куннинг зарур талабидир, — дейди Чўлтўқай қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Жўрабой Расулов. — Етук инсон оилада шаклланади, шу боис ҳар бир оиланинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ҳаётини ўрганишга алоҳида аҳамият берилаяпти. Мустақил республикамизга хизмат қиладиган ёшларни тарбиялашда мактабнинг роли беқиёсдир. Шунинг учун оила билан мактаб ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатишга ҳаракат қилаяпмиз. Бизда ҳам муаммолар бор. Уларни бартараф этиш учун маҳалла оқсоқоллари, фаоллари билан ҳамжиҳатликда иш олиб борилаётганлиги туфайли камчиликлар ўз ечимини топмоқда. Энг асосийси, мамлакатимиздаги осуда ҳаётнинг қадрига етишимиз, ҳамиша хушёр бўлишимиз керак. Фидойи меҳнати билан тинчликни, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга муносиб улуш қўшиш ҳар бир фуқаронинг бурчи.

**Эркин ТЎЛАГАНОВ.**

# СЎЗ ВА ИШ БИРЛИГИ

## Ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймаяпти

Мамлакатимизда бу йилги пахта терим мавсуми қандай ўтаётир? Деҳқонлар пешона терлари эвазига етиштирилган пахтани териб олиши учун ҳашарчилар мададига муҳтожлиги борми? Улар теришаётган ҳар кило пахтаси пулини ўз вақтида олишаяптиларми? Шундай саволлар бизни пахтазорларга ва уларда меҳнат қилишаётган пахтакорлар сари етаклади. Жавобни Янгийўл туманидаги Абдулла Ортиқов номли жамоа хўжалигидан ва тумандаги барча хўжаликларни пул билан таъминлаш ниятида меҳнат қилишаётган «Пахта банк»нинг туман бўлимидан топдик. Уларнинг айни кезда олиб боришаётган ишлари билан танишдик.

— Аслида-ку, четдан келган ҳашарчиларнинг фойдаси тегади, — дейди хўжалик раҳбари Миробид Мирбобоев. — Аммо мен ҳашарчига сарфланадиган харажатни тежаш тарафдориман. Ахир, бу маблағлар хўжалик меҳнатчиларига, уларнинг эртанги кунининг фаровонлашишига сарф этилса нур устига аъло нур бўладику!?

Хўжалигимизда йиғим-теримни тез тугаллаш борасида пухта тадбир ва тажрибаларга суянган ҳолда иш олиб борилмоқда. Бундан уч-тўрт йил аввал вилоятда бўлган йиғилишларнинг бирида «Ҳосилни четдан келтирилган ҳашарчиларсиз йиғиштириб олиш» ҳақида гап борганида кўпчиликка эриш туюлган эди. Вақтни олий ҳакам дейдилар. Ўша йиғилишда айтилган гаплар бугун аҳоли зич жойлашган ҳудудларда ўз самарасини кўрсатди. Биз ҳам мана бир неча йилдирки, асосан атрофимиздаги яшаётган аҳоли кучига таяниб, суянган ҳолда етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олаяпмиз. Натижа эса ёмон эмас. Ҳар йили режалар уддаланаётир. Бу йил ҳам шу кунгача пахта тайёрлаш режамизни 70 фоизи атрофида бажариб қўйдик. Мана, далаларимиздаги ҳосил чўғини кўриб турибсиз. Биринчи теримга тушилмаган пайкалларимиз анчагина. Иккита русумдаги пахта териш мошинаси ҳам тиним билмаяпти. Юзлаб теримчилар хирмонга барака киритишаяпти. Уларга теришган ҳар кило пахтаси учун 8 сўмдан пулни белгиланган ҳар беш кунликда бериб борилмоқда. Бунда бизга туман «Пахта банк»нинг хизмати катта бўлаётир.

Хўжалик меҳнаткашларининг бу йил 710 гектар ерга чигит қадашди. Кўкламда деҳқонлар ҳадеганда чигитни ундириши қийин кечди. Кўпгина пайкалларда қатқалоқ, яганалаш, бегона ўтдан тозалаш каби юмушлар такрор бажарилди. Айни ёз вақтидаги ёмғирлар ҳосил ривожга таъсирини ўтказмай қўймади. Бу эса деҳқонни икки-уч ҳисса кўпроқ ишлашини талаб этди. Ниҳоят деҳқонларнинг тиним билмай олиб боришган меҳнати эвазига ҳосил етилди. Далалардан мулжалланган салкам 2минг тонналик хирмон буй-бастини кўрсатиб қолди.

Бир-бирига кўмаклашиш, қарашиб юбориш халқимизда қадимдан бор удум. Фақат бундай удумлар мажбурий йўл билан эмас, ўзининг истаги билан, ўйнаб-кулиб бажаришни тақоза этади. Шунда чарчамайди, меҳнатнинг оғирлиги билинмайди. Буни биз ушовидан-тушови қимматга тушадиган сарф-харажатлардан чекинган ҳолда пахта теримини авж олдириб, кўзланган маррага яқинлашаётган Абдулла Ортиқов жамоа хўжалигининг қўли-қўлига тегмаётган деҳқонлари билан суҳбатлашганимизда юракдан ҳис этдик. Зотан, моддий мафаатдорлик барча нарсанинг асоси-да!

— Энг муҳими, бажариладиган ишга тўланадиган ҳақ ва унинг миқдоридир, — дейди туман «Пахта банк» бошқарувчиси Рустам Хотамов. — Агар ҳар бир киши қилган меҳнатига яраша ҳақ олса у ўзининг ишини бировга ташлаб қўймайди. Чунки бу йил терилган пахтанинг ҳар килосига 8 сўмдан ҳақ тўланиши буни исботлади.

Буни туманимиз мисолида айтсак 1 октябргача 5816,7 тонна терилган пахта учун 44 миллион 232 минг сўм банкимиз орқали тарқатилди. Кўрсатгичлар кейинги беш кунликда янада ошди. Учунчи беш кунликнинг ўзида 38 миллион сўмдан ошиқроқ пул хўжаликларга тақсимланди. Йиғим-терим охиригача яна 46 миллион сўмни тарқатсак туманимиз пахтакорлари зиммасидаги 19 минг 400 тонналик улкан хирмонларини бажаришган бўлади. Ўша кунларга яқин қолдик. Биз банк ходимлари меҳнаткаш халқимиз корига ярайверамиз деб сўз берамиз...

Ҳақиқатан ҳам қаерда моддий манфаатдорлик устивор ерда ҳаракат ва интилиш мужассам бўлади. Ана шунда дала меҳнатчилари етиштирилган ҳосилни иложи борича ўзлари териб олишга харакат қиладилар. Ахир чўнтагига пул тушади-да. Бу унинг ризқи. Ким ризқини бировга бергиси келади. Шунда ҳар ким ўзининг иши билан машғул бўлади, қисқаси, бировга бировнинг оғирлиги тушмайди-да!...

Яна бир гап: пахтакорларга моддий ёрдам билан бирга маънавий мадад керак. Чунки халқимиз ширин сўзнинг гадоси! Пахтакорлар шаънига илиқ, самимий сўзлар айтиш, меҳнатларини мадҳ этиш яхши албатта. Булар жуда керак. Уларнинг мардона меҳнати шунга арзийди. Ўзбекнинг Миробид Мирбобаевдек янгийўллик деҳқонлари ҳар доимгидек бу йил ҳам буни сўз ва иш бирлигида исботлайдилар.

**Маъмуржон ҚИЁМОВ.**
**Обиджон ҒАФУРОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбирлари.**

# «ЖЕЙНОВ» НАМУНАСИ

«Жейнов» ширкат хўжалиги фақатгина Қашқадарё вилоятида эмас, балки мамлакатимиздаги кўптармоқли, иқтисодий бақувват қишлоқ хўжалик корхоналаридан бири ҳисобланади. Хўжалик миришкорлари пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик ва бошқа соҳаларда салмоқли натижаларга эришиб, бошқаларга намуна бўлиб келишяпти. Куни кеча хўжалик пахтакорлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Улар топшириқда белгиланган 6650 тонна ўрнига 6700 тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хом ашёсини тайёрлов шохобчаларига етказиб бериб, катта довон ошдилар.

Ана шу муваффақиятга Рашид Рўзиев, Ҳамроқул Сафаров сингари ишбилармон ва ташкилотчи мутахассислар раҳбарлик қилаётган ширкатлар муносиб улуш қўшишди. Тошпўлат Алиев, Одна Нодиров, Ашурбой Миров, Фарҳод Рўзибоевлар етакчилигидаги бригадалар ҳосилдорликни ҳозиргача 40 центнердан ошириб, бу кўрсаткични 45 центнерга етказиш учун астойдил интилмоқдалар. Хўжаликнинг катта хирмонига механизаторлар барака киритишаяпти. Қудратли «КЕЙС»ни бошқараётган Шариф Хидиров, шунингдек, Жўра Ҳазратқулов, Сиддиқ Қиличев, Рўзиқул Асадов, Рўзимаҳмад Худойназаров каби дала суворийлари пўлат этаклардан тўккан оқ олтин 150-200 тоннадан ошиб кетди. Барно Нарзуллаева, Ҳайитой Омонова, Шаҳноза Оймаҳмедова, Феруза Маҳадова сингари кўпмингкилограммчилар ҳозиргача 8-10 тоннадан зиёд оқ олтин териб, ҳамкасбларига ўрнак бўлишаяпти.

— Топшириқ бажарилган бўлса-да, ҳали далаларимизда ҳосил мўл, — дейди «Жейнов» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Муродилла Саидов. — Заршуносларимиз мустақил мамлакатимизнинг иқтисодини мустаҳкамлашга муносиб улуш қўшиш ниятида ялпи хирмонни 8 минг тоннадан ошириш учун барча имкониятларни ишга соляптилар.

**Х. ПРИМҚУЛОВ, «Қишлоқ ҳаёти»нинг жамоатчи мухбири.**

# СЕҲРИНГ БОИСИ НИМАДА АЁЛ?

**ТУЙҒУ**

Аёл. Сени ожиза, заифа деганлар минг бора ҳақ. Бир озгина сўз зарбидан кўнглинг чил-чил синади. Гулнинг шамолидан-да кўзинг тинади. Битта михни-да қоқолмайсан, битта данакни-да чақолмайсан. Ҳатто жисми жонингни бағишлаб, ўзинг дунёга келтирган фарзандингни-да овоз чиқариб койий олмайсан. Жуфти-ҳалолинг, бош паноҳинг кўзларига тик қарай олмайсан. Дилинг нозик, тилинг нозик, қўлинг, юрар йўлинг нозик. Ғоят нозиклигингдан бир қошиқ сув билан ютмоқни ҳавас қиладилар. Шу ҳолингда тилларда афсона бўлган журъатларга қандай имкон топасан, аёл?

Демишларким, дорга тортилаётган ўғли қошида айтиб-айтиб йиғлаган саксон ёшли онанинг кўкрак сутидан этаклари ҳўл бўлган экан.

Демишларким, очарчиликдан одамлар бирбир қирилаётган дамда ўн бир кенжа қизининг нолишларига чидай олмаган она қуриган кўксини қизалоғи оғзига тутмиш. Во ажаб, сут келибди. Онанинг ранги кун-кундан сарғайиб борса-да, қизалоғининг ранги қизилланиб бормиш. Очликнинг ҳукми — ўлимдан онанинг меҳри зўрроқ келибди.

Демишларким, «Жигули» автомашинаси шўх ўғлини босганини кўрган она жон ҳолатида машинанинг бир қанотини даст кўтарган экан.

Демишларким, Соҳибқирон Амир Темур жангчилари ночор аҳволда қола бошлайди, заҳиралар тугайди. Жанггоҳдан Бибихоним ҳузурига мактуб олиб чопар келади. Бибихоним чопардан хазинадаги олтинларини эмас, икки оғиз сўз билан мактуб йўллайди: «Шоҳим, зарингиз тугаган бўлса сиёсатингиз ҳам тугадиму!?». Мактубнинг қатидан яна нималар бор эдики, Соҳибқирон олтинсиз ҳам ғолиб келмоқ йўлини топди. Бош эгангнинг имконларини ўзидан ҳам кўпроқ қандайин билдинг, аёл?!

Сеҳрингни боиси нимада, аёл?

Ишқингда шоҳларнинг шоҳона, шоирларни шоирона бўзлатдинг, сўзлатдинг. Бўйларингни, васлингни темир ковуш титилгунча излатдинг. Сенинг меҳринг дилига тушгач, оддий йигитлар Алпомиш бўлди, Фарҳод бўлди, Мажнун бўлди, Рустами достон бўлди. Сенинг ишқинг кўнглингга тушмаса, уларнинг маҳорати тилга тушмасди. Улар сени излай-излай сенга муносиб бўлдилар.

Сенинг ишқинг Алишер деган йигитни Алишер Навоий номли буюк шоирга айлантирдики,

Кўргали ҳуснингни зору мубтало бўлдум санга,
Не балолик кун эдиким, ошно бўлдим санга,
Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендан кўнгил,
Ваҳки, кун-кундин батарроқ ошно бўлдим санга,

— деб гўзал нолалар чекди. Сени деб Самад Вурғун:

Агар сендан тонар бўлсам, насибам оҳу зор ўлсин,
Баҳорим қишга айлансин, чечаксиз бир диёр ўлсин,
Чаманзорим, боғу боғчам тўкилсин, бари хор ўлсин,
Мозорим ўт олиб ёнсин, бу ишқим ошкор ўлсин!

— деб қасам ичди. Сеҳрингнинг боиси нимада аёл?

Эр — ярим пир, деб эгиласан, унинг чап қовурғасидан яралганингга шукроналар айтасан. Алпим, дейсан, мардим дейсан, бегим дейсан, эгам дейсан эгила туриб, сиғина туриб меҳринг қулига айлантирасан.

Сенинг кўксингга бош қўя-қўя гўдаклар йигитга айланадилар. Сенинг меҳрингни туя-туя йигитлар баҳодирга айланадилар. Сени суя-суя баҳодирга айланадилар. Сени деб куя-куя қудратларини кашф этадилар. Сенинг меҳринг уммонидан ожизалар куч оладилар. Сен борки, рўзғорлар обод,кўнгиллар шод. Сен ҳаётнинг мувозанатисан, аёл. Ғазабларни юмшатасан,тезобларни секинлатасан, азобларни енгиллатасан. Мазали таомлар, битмас ишларни пиширасан. Йиртилган кийимларни, дарз кетган кўнгилларни ямайсан. Нозик жисмингда гўдак улғаяди. Ўлим ва ҳаёт ёнма-ён чоҳга тушиб, қўлларингда фарзанд кўтариб омон чиқасан.

**Сеҳрингнинг боиси нимада, аёл?**
**Сиз айтган аллада гул иси борми,**
**Тонг иси, ой иси, дил иси борми.**
**Ё олиб сафарларга кетгай болангиз,**
**Қуёш иси борми, йўл иси борми?**
**Ботирлар улғаяр бешигингизда,**
**Эркак кулиб чиқар эшигингиздан.**
**Сиз алла айтсангиз қандоқ айтасиз?**
**Қандайин сеҳр бор қўшиғингизда?**
**Сеҳргар қалбимдан элчидир сўзим,**
**Юлдуздай жодувош эмишдир кўзим.**
**Мен жами аёлнинг битта аскари,**
**Сеҳримни билолмай ҳайронман ўзим!**
**Бағринг тўла меҳр, лабинг тўла бол,**
**Энг гўзал рўёсан, энг гўзал ҳаёл.**
**Бошимни кўксингда аллаламоққа**
**Бир марта рухсат эт, париваш аёл!!**

**ХОСИЯТ**

**Луқма**

**Мазкур мақол биринчи марта қачон ва ким ҳақида айтилганини билмайман-у, лекин Арнасой тумани чўлқуварлари вилоят коммунал хўжалиги бошқармаси бошлиғи Суннат Субҳонқулов билан вилоят шахсий уй-жойларни газлаштириш идораси раҳбари Қобилжон Мусаевлар ҳақида тез-тез шундай дейишади.**

**Бунинг сабаби шуки,**

# ҚИРҚИГА ЧИДАБ, БИРИГА ҚОЛГАНДА...

**улар табиий газ узатувчи бош қувурдан туманнинг Бобо Файзиев номли фермер хўжаликлари уюшмаси ҳудудидаги Янгиобод қишлоғи ва Жамбул номли фермер хўжаликлари уюшмасининг марказий кўрғонигача қувурлар ётқизиб, хонадонларга улашга келганда дом-дараксиз кетдилар. Мана, олти ойдирки, чўлқуварлар уларни кутишмоқда.**

**Лойиҳами? Бор! Йил бошида қурилиш режасига ҳам киритилган. Бу ёғини сўрасангиз, жамбулликлар қурувчиларга ортиқча чиқим бўлмасин деб пул ҳам тўплаб беришган.**

**К. ДЎСТБЕКОВ.**

# ТОЛАНИ ҚАЙТА ИШЛОВЧИ ЯНГИ КОРХОНАЛАР

**ЭЗГУЛИК**

Ўзбекистон жаҳондаги пахта етиштирувчи асосий давлатлардан бири ҳисобланиб, бугунги кунда юртимизда пахтани қайта ишловчи тармоқлар янада кенгайтирилмоқда. Хусусан, яқин келажакда мамлакат Вазирлар Маҳкамасининг фармойиши билан тиббиёт момиғи, ип ва газлама ишлаб чиқарувчи учта янги корхона барпо этилиши кўзда тутилаётир.

Тиббиёт момиғи Тошкентдаги «Энергия групп» масъулияти чекланган жамият таркибида барпо этилган корхонада ишлаб чиқарилади. Корхонада йилига 1120 тонна пахта толаси ва 95 тонна линт тайёрланади. Корхонанинг йиллик қуввати тиббиёт саноати учун 1000 тоннага қадар момиқ етказиб бериш имконини туғдиради. Ип ва «хақи» туридаги газлама чиқарувчи «Қўқонтекс» Ўзбекистон — Германия—Америка қўшма корхонасининг Қўқон тўқимачилик комбинатининг қурилиши тугалланмаган биносида барпо этиш режалаштирилаётир. Қўшма корхона қуввати йилига 6224 тонна ип ва 15 миллион погон метр газлама тайёрлаш имконини беради. Мўлжалланган режани уддалаш учун «Қўқонтекс» 7 минг тоннадан зиёд пахта толасини қайта ишлайди.

Пахтани қайта ишловчи яна бир корхона қурилиши ҳам Фарғона вилоятида лойиҳалаштирилмоқда. Ўзбекистон — Германия — Туркия ҳамкорлигида барпо этилаётган мазкур «Бестекс» қўшма корхонаси «Бешариқ тўқимачи» акциядорлик жамияти негизида ташкил қилиняпти. Корхона йилига 7,5 минг тонна пахтани қайта ишлаб чиқариши кўзда тутилган.

***«Туркистон-пресс» маълумоти:***

**Ўзбекистонда ҳар йили 1,5 миллион гектар майдонга чигит экилади. Хомчўтларга кўра, бу йил мамлакатимизда 4 миллион тонна пахта ҳосили етиштириш кўзда тутилган. Кейинги йилларда Ўзбекистонда тола ишлаб чиқариш ҳажми 1,2 миллион тонна миқдоридаги миқёсда барқарорлашиб турибди. Пахта толаси экспорти мамлакат валюта тушумларининг асосий манбаи бўлиб қолаётир. Республика Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон экспорт салоҳияти ривожининг 2000 йилга қадар даври давлат дастурини тасдиқлади, хусусан, дастурда пахта толаси экспортининг умумий экспортдаги улушини 28 фоизга қадар камайтириш кўзда тутиляпти. Бу мамлакатимизда пахтани қайта ишловчи ўз қувватларимизни ошириш саъй-ҳаракатлари билан бевосита боғлиқдир.**

**«Туркистон-пресс».**

# КУРРАИ ЗАМИНДА

**МАХАЧҚАЛЪА. Доғистоннинг Казбек туманида ўз томорқасида ишлаётган икки киши минага йўлиқди. Улар оғир аҳволда касалхонага ётқизилди. Маълумотларга кўра, бу мина жангарилар томонидан қўйилган. Умуман, ўлкада бундай ҳодисалар тез-тез учраб турибди.**

* * *

ПЕКИН. Хитой пойтахтида навбатдаги халқаро авиакўргазма очилди. Унда жаҳоннинг ўттиз мамлакатидан келган 300 га яқин етакчи авиакомпаниялар, жумладан, «Боинг», «Локхид мартин», «Роллис-Роис», «Аэроспесиал» каби самолётсозлик компаниялари иштирок этаётир, деб хабар беради «Синхуа» ахборот агентлиги.

Хитой фуқаро авиацияси бош бошқармаси, биринчи ҳамда иккинчи авиация саноати бирлашмалари томонидан ташкил этилган бу тадбирда турли русумдаги энг замонавий самолётлар намойиш этилади. Авиатехника кўргазмаси тўрт кун давом этади.

* * *

**БИШКЕК. Қирғизистон деҳқонлари давлатга ғалла топшириш режасини ортиғи билан бажарди, деб ёзади «Кабар» ахборот агентлиги мухбири. Хабарда таъкидланишича, энди ҳар қандай шароитда ҳам мамлакатда нон маҳсулотлари танқислиги рўй бермайди. Бунинг учун ҳукумат томонидан барча чора-тадбирлар ишлаб чиқилган, давлат омборларида керакли миқдорда заҳира тўпланган.**

* * *

ЖАКАРТА. 2006 йилда Индонезияда Осиё ўйинлари бўлиши режалаштирилган эди. Яқинда Президент Б. Ҳабибий раҳбарлигидаги Индонезия Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида мазкур ўйинларни ўтказмаслик тўғрисида қарор қабул қилинди. Бунинг асосий сабаби Шарқий Тимор билан боғлиқ муаммолар бўлиб турибди. Шунингдек, Индонезия ҳукумати Осиё ўйинларини ўтказишга даъвогар мамлакатлар орасида Малайзияни қўллаб-қувватлади.

Айни пайтда Осиё ўйинларини ўтказиш учун Ҳиндистон, Сурия, Катар ҳамда Хитой ҳам даъвогарлик қилаётир.

* * *

**МАНИЛА. Осиё тараққиёт банки Вьетнамга 70 миллион АҚШ долларига тенг миқдорда кредит беришга қарор қилди. Мазкур маблағ мамлакатнинг асосий савдо-саноат маркази бўлган Хошимин шаҳрим инфратузилмасини ривожлантириш учун сарфланади.**

* * *

ДЕҲЛИ. Ҳиндистонда мамлакат хавфсизлик кучлари ходимлари томонидан йўловчи автобусига жангарилар ўрнатган кучли портловчи ускуна зарарсизлантирилди. Хабарларга қараганда, у хавфсизлик хизмати ходимлари вилоят маъмурияти биноси яқинида турган автобусни текширганида топилган.

Айтиш жоизки, Жамму ва Кашмир вилоятида ҳамон нотинч вазият ҳукмрон. Жойларда ҳукумат ҳарбийлари ва жангарилар ўртасида қуролли тўқнашувлар бўлиб турибди.

* * *

**АНҚАРА. Туркиянинг Битлис вилоятида хавфсизлик кучлари бўлинмалари билан Курд ишчи партияси (КИП) жангарилари ўртасида қуролли тўқнашув юз берди. Маълумотларга қараганда, тўқнашувларда йигирма саккиз нафар жангари ва бир ҳарбий хизматчи ҳалок бўлган. Минтақада ҳарбий ҳаракатлар давом этмоқда.**

* * *

УММОН. Халқаро валюта жамғармаси Иорданияга ўн беш миллион АҚШ доллари миқдоридаги навбатдаги кредитни ажратишга қарор қилди. Маълумки, жамғарма Иорданияга молиявий ёрдам дастури бўйича умумий ҳажми юз етмиш саккиз миллион долларга тенг бўлган кредит ажратиши керак.

Жорий йилнинг апрель ойидан кучга кирган бу дастур 2001 йилда ниҳоясига етади. Ҳозирги кунга қадар эса Иорданияга етмиш етти миллион доллар етказиб берилган.

* * *

**СЯНГАН. Яқинда Тайванда юз берган зилзила натижасида бошпанасиз қолган юз мингдан зиёд аҳоли чодирларда ва армия казармаларида жон сақлаб келаётган эди. Энди уларга яна бир офат хавф солмоқда. Кузатувчиларнинг айтишича, ҳаракатланаётган «ДЭН» тўфони Чодир шаҳарчаларда катта тартибсизликларга, унинг оқибати эса юқумли касалликлар тарқалишига олиб келиши мумкин.**

(ЎзА).

КУРРАИ ЗАМИНДА

